

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОЎЛИКНИ САҚЛАШ  
ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ  
ДАВОЛАШ ФАКУЛЬТЕТИ  
ЛОР КАСАЛЛИКЛАРИ ВА СТОМАТОЛОГИЯ КУРСИ  
КАФЕДРАСИ



«ТАСДИҚЛАЙМАН»  
Ушбу ишлар бўйича проректор,  
профессор Тоймуродов Ш.А.

2018 г.

*5510100 – Даволаш иши таълим йўналиши негизидаги*  
*5A510104 – Оториноларингология магистратура мутахассислигининг*  
*ЛОР касалликлар пропедевтикаси фани бўйича*

**ИШЧИ ДАСТУРИ**

*Тузувчилар:*

**Н.Н. Абдуллаева** - ТТА ЛОР касалликлари ва стоматология курси кафедраси доценти, т.ф.д.

**Х.Э. Шайхова** - ТТА ЛОР касалликлари ва стоматология курси кафедраси профессори, т.ф.д.,

**У.М. Эргашев** - ТТА ЛОР касалликлари ва стоматология курси кафедраси ассистенти, т.ф.н.

Семинар соатлари – 148 соат  
Илмий тадқиқот иши – 50\* соат  
Магистрлик диссертация - 10\*\* соат  
Илмий-педагогик иш – 24 соат

\*битта илмий-тадқиқот ишларига раҳбарлик

\*\*битта магистрлик диссертациясига раҳбарлик

## 1. Кириш

Оториноларинголог – тиббиёт олий ўқув даргоҳини тугатган, Соғлиқни Сақлаш тизимининг даволаш ва профилактика ташкилотларида (марказий туман, шаҳар, вилоят, республика шифохоналари ЛОР бўлимларида, кўп тармоқли марказий шаҳар поликлиникалари, ЛОР илмий-текшириш амалий марказларида ва ЛОР диспансерларида, она ва болаликни ҳимоя қилиш ташкилотлари, санатор-курорт ташкилотлари) ташхислаш ва даволашнинг замонавий усулларидан кенг фойдаланган ҳолда беморларнинг тиббий муаммолари бўйича асосий вазифаларни ҳал қилувчи, ҳамда доимий профилактика чора-тадбирларини ўтказадиган мутахассисдир.

Улар Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг илмий-тадқиқот институтлари, илмий-тиббий марказларида ЛОР касалликларнинг тарқалишини ва кечишини ўрганиш, эрта ташхислаш, даволаш, аҳоли ўртасида ушбу касалликларнинг тарқалишини олдини олишга уларнинг кечиши бўйича башорат бера олишга қаратилган илмий-тадқиқот фаолиятини олиб боради.

Оториноларингология соҳасидаги тиббий-ижтимоий вазифаларни бажариш бўйича самарали чора-тадбирларни ишлаб чиқишда қатнашади. Соғлиқни сақлаш тизимининг барча бўғинларида оториноларингология соҳасида комплекс масалаларни ечишда ҳам иштирок этадиган мутахассисдир.

### 1.2. Фаннинг мақсад ва вазифалари

Оториноларингология фанини ўқитишдан мақсад талабаларни:

- соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи бўғинида ЛОР касалликларини ташхислаш, консерватив ва жаррохлик йўли билан даволаш ва профилактика ишларини олиб бориш;
- касалхона, клиника, диспансер, тиббий марказларнинг қабул бўлимлари, оториноларингология бўлимларида даволаш ва профилактика ишларини амалга ошириш;
- хусусий тиббиёт муассасаларида тиббий ёрдам кўрсатиш;
- аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини тарғибот қилиш, юрак қон-томир тизими касалликларини эрта аниқлаши, ташхислаши ва даволаш;
- даволаш-профилактика фаолиятида илғор, замонавий технологияларни жорий этиш, ўзининг фикр-мулоҳазаларини баён эта олиш кўникма ва малакаларини шакиллантириш.

Фаннинг вазифаси - ЛОР касалликларнинг профилактикаси, уларни даволаш ва реабилитация чора-тадбирларини ташкиллаштириш бўйича тўлиқ ҳажмдаги зарурий кўникмаларга эга бўлган, мустақил илмий ва амалий фаолиятни амалга ошира оладиган юқори малакали мутахассис тайёрлашдир.

### 1.3. Фан бўйича талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар

**ЛОР касалликлар пропедевтикаси фани бўйича талаба (магистр):**

**Мақсад ва вазифалари, тарихи, замонавий ҳолати, истиқболлари**

– Замонавий оториноларингологиянинг мақсади ва вазифалари. Тиббиётнинг бошқа мутахассисликлари ва илмий соҳалари билан ўзаро боғлиқлиги (оториноларингологиянинг замонавий бўлимлари: сурдология, вестибулология, фониятрия, ринология. Йўналишлараро боғлиқлик. Отоневрология. ЛОР онкология).

– ЛОР хизмати тузилиши. ЛОР аъзолари патологияси билан беморларга тиббий ёрдам кўрсатиш тартиби. Поликлиника ЛОР кабинети ишини ташкил қилиш. (Оториноларингологик стационар ишини ташкил қилиш; Оториноларингологиянинг профилактик йўналиши; ЛОР аъзолари касалликларида диспансеризация ва реабилитация принциплари) **ҳақида тасаввурга эга бўлиши;**

– оториноларингология фанининг долзарб муаммолари, оториноларингологга бўлган замонавий талаблар;

– оториноларингологияни янги технологиялар асосида ташхислаш ва даволаш

– кулок, томок ва бурун касалликлари бор беморларнинг замонавий лаборатор ва инструментал текшириш натижалари **билиши ва улардан фойдалана олиши;**

– куп тарқалган ЛОР касалликларининг касалланиш даражасини камайтириш мақсадида профилактик тадбирларни куллашни ва уларнинг асоратларини олдини олиш.

– ЛОР хизматни ташкил қилиш, ЛОР патологияларни одам организмнинг бошқа аъзо ва системалари билан алоқаси, ЛОР касалликлар профилактикаси ва ЛОР аъзоларининг кайтмас патологиясини реабилитацияси тугрисида тасаввурни бериш.

– кулок, томок ва бурун касалликлари диагностикаси, даволаш ва профилактикаси, ҳамда уларнинг асоратлари, терапия, хирургия ва замонавий тиббий технологияларнинг охириги ютуқларини куллашини **кўникмаларига эга бўлиши керак.**

**ЛОР аъзолари касалликлари бор беморларни ташхислаш, консерватив ва жаррохлик даволаш асосий принциплари**

– Оториноларингологияда қўлланилувчи дори воситалари гуруҳлари. Оториноларингологияда қўлланилувчи препаратлар фармакокинетикаси. ЛОР амалиётида қўлланилувчи дори моддаларини стандартлаш принциплари.

– Оториноларингологик беморларни даволашда оғриқсизлантириш. Жаррохлик амалиёти ва амалиётдан кейинги даврда ингальцион, ноингальцион ва маҳаллий анестетиклар фармакотерапияси.

– ЛОР амалиётида юкори технологик диагностика усуллари. Замонавий нур, ЯМР, УТТ ташхислаш принциплари. Генетик текшириш. Оториноларингологияда янги лаборатор микробиологик диагностика усуллари қўлланилиши. ЛОР касалликларини ташхислаш ва давосида замонавий оптик ва видеотасвири эндоскопия. ЛОР аъзолари тўқималарига лазер, ультратовуш, радиотўқинни таъсири

– Оториноларингология амалиётида физиотерапия методлари. Оториноларингологияда даволаш мақсадида қўлланилувчи физик таъсирнинг асосий турлари **ҳақида тасаввурга эга бўлиши;**

– ЛОР амалиётидаги дори воситалари ва контраст моддаларни куллашни фармакологик таъсирини узига хослиги.Оториноларингологияда дори воситаларини рационал куллаш. ЛОР аъзоларига медикаментоз таъсирнинг имкониятлари. Дори воситаларини нокуя таъсирлари, куп куллаганда хавф омиллари. ЛОР касалликлари диагностикасида контраст моддаларни куллаш. Рецепт ёзиш шакллари конуниятлари.

– Махаллий анестезия усуллари, новокаин блокадалар; умумий огриксизлантириш саволлари, умумий огриксизлантириш асоратларини олдини олиш; реанимация усуллари: сунъий нафас, юрак массажи, юра кичи инъекциялари, дефибрилляция; трахеостомия, микротрахеостомия (курсатма, техникаси); кон ва унинг компонентларини куйиш, асоратларини олдини олиш; гемостаз коррекцияси саволлари, гиповолемия, гиповолемия.

– Оториноларингологияда иссиқлик муолажаларини куллаш (УВЧ, УФ, электрофорез, парафин, озокерит); оториноларингологияда ультратовуш, лазерлар (кулланилиши, усуллари, курсатмалар); оториноларингологияда пневмо-, вибромассаажнинг кулланилиши **билиши ва улардан фойдалана олиши;**

– кулок, томок ва бурун касалликлари диагностикаси, даволаш ва профилактикаси, ҳамда уларнинг асоратлари, терапия, хирургия ва замонавий тиббий технологияларнинг охириги ютуқларини куллашини **кўникмаларига эга бўлиши керак.**

**ЛОР аъзолари клиник анатомияси (ёшга оид ўзига хослиги); ЛОР аъзолари физиологияси ва текшириш усуллари.**

– Кулоқнинг анатоми-топографик узига хослиги.Кулоқнинг 3 булими. Касалликлар келиб чиқишида ва ривожланишида анатоми-топографик ва ёш хусусиятларини роли.

– Эшитиш ва вестибуляр анализаторлари физиологияси. Эшитиш ва вестибуляр анализаторлар адекват кўзгатувчилари

– Эшитиш ва вестибуляр функциясини текшириш усуллари.

– Евстахий найини ўтказувчанлигини текшириш. Рентгенологик текширув, аудиометр ёрдамида эшитишни текшириш. нутқли аудиометрия. эшитишни текширишни махсус усуллари. Вестибуляр аппаратни текшириш усуллари

– Бурун ва бурун ёндош бўшлиқларини клиник анатомияси. Бурун анатомияси.

– Бурун ва бурун ёндош бўшлиқларини клиник физиологияси (бурун хид билиш, нафас, химоя ва нутқ вазибалари)

– Бурун ва бурун ёндош бўшлиқларини текширув усуллари. Хид билиш ва нафас фаолиятини текширув усуллари.

– Ҳалқумни клиник анатомияси ва физиологияси. Ҳалқумни текшириш усуллари. Ёш болаларда ҳалқумни текшириш усуллариининг ўзига хослиги.

– Қизилўнгач клиник анатомияси ва физиологияси. Қизилўнгач текшириш усуллари.

– Хиқилдоқ клиник анатомияси. Хиқилдоқ физиологияси. (нафас, химоя, овоз ҳосил қилиш фаолияти) Хонанда овозлари. Хиқилдоқни текшириш усуллари. (бевосита ва билвосита ларингоскопия. Хиқилдоқ анестезия)

– Кекирдок ва бронхлар клиник анатомияси. Кекирдок ва бронхлар текшириш усуллари. (трахеобронхоскопия, рентгенография) **ҳақида тасаввурга эга бўлиши;**

– мувозанат ва эшитув анализаторларини, ҳалқум, қизилўнгач, хиқилдоқ, трахея, бурун ва бурун ёндош бўшлиқларини текшириш;

– ҳалқум, қизилўнгач, хиқилдоқ, трахея, бурун ва бурун ёндош бўшлиқларини рентген текшириш усули;

– ЛОР-аъзоларини текширишнинг замонавий услублари (эзофагоскопия, трахеобронхоскопия (устки ва пастки) бурун ва бурун ёндош бўшлиқлар сонографияси; тўйинтирувчи (таъминловчи) томирлар доплерографияси; тўйинтирувчи (таъминловчи) томирлар доплерографияси, КТ, МРТ, компьютер электроэнцефалоаудиометрия ва микроскопия);

– жарроҳлик блоки жиҳозланиши;

– оториноларингологик асбоблари классификацияси, қўлланилишини **билиши ва улардан фойдалана олиши;**

– ЛОР органлари лаборатор-инструментал текширув усуллари, мувозанат ва эшитув, хид билиш анализаторларини текшириш усуллариини утказиш;

– ЛОР-аъзоларини текширишнинг замонавий услублари (эзофагоскопия, трахеобронхоскопия (усткивапастки) бурун ва бурун ёндош бўшлиқлар сонографияси; тўйинтирувчи (таъминловчи) томирлар доплерографияси; тўйинтирувчи (таъминловчи) томирлар доплерографияси, компьютер электроэнцефалоаудиометрия ва микроскопия). Оториноларингологияда десмургия ҳақида **кўникмаларига эга бўлиши керак.**

Магистратура ихтисослигига қўйиладиган муайян талаблар кадрлар буюртмачиларининг талаблари ва ушбу мутахассислик бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари ҳисобга олинган ҳолда олий таълим муассасаси томонидан белгиланади.

#### **1.4. Фаннинг ўқув режадаги бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги ва услубий жиҳатдан узвийлиги**

“Оториноларингология” мутахассислиги фани Соғлиқни Сақлаш тизимининг даволаш ва профилактика ташкилотларида (марказий туман, шаҳар, вилоят, республика шифохоналари ЛОР бўлимларида, кўп тармоқли марказий шаҳар поликлиникалари, илмий-текшириш амалий марказларида ва диспансерларида, она ва болаликни ҳимоя қилиш ташкилотлари, санатор-курорт ташкилотлари) ташхислаш ва даволашнинг замонавий усулларида кенг фойдаланган ҳолда беморларнинг тиббий муаммолари бўйича асосий вазифаларни ҳал қилиш ҳисобланади. Дастурни амалга ошириш ўқув режасида режалаштирилган тиббиёт фалсафаси, клиник фармакология, анатомия, физиология, патологик анатомия ва цитология асослари; патологик физиология; биохимия; микробиология; лаборатор ташхис йўли билан ички аъзолар пропедевтикаси; ички касалликлар; умумий жарроҳлик; анестезиология ва реаниматология асослари; жарроҳлик стоматологияси, даволаш стоматологияси, ортопедик стоматология, педагогик технология ва педагогик маҳорат, ахборот технологиялари, тиббий техникани эксплуатация қилиш фанларидан етарли билими ва кўникмаларига эга бўлишликни талаб этади.

#### **1.5. Фаннинг илм-фан ва ишлаб чиқаришдаги ўрни**

Мамлакатимизда фан-техника тараққиётига кенг йўл очилиб, тиббиёт ҳам узлуксиз такомиллаштириладигани, инновацион технологияларни амалиётга жалб этишга қулай имконият яратилгани оториноларингология фани ривожланишини янги босқичга олиб чиқиш имконини бермоқда. ЛОР касалликлари билан оғриган беморларни текшириш, ташхислаш ва даволаш Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, махсус халқаро жамиятлар томонидан тавсия этилган маълумотларга асосланган ҳолда олиб борилмоқда. Сўнги йилларда бутун дунё илмий тадқиқот муассасалари олимлари томонидан яратилган ЛОР касалликларни даволашда қўлланиладиган янги дори-воситаларни асосланган ҳолда амалиётга жорий этиш мамлакатимиз тиббиётининг долзарб муаммоларини ечишда ўз самараларини бермоқда. Амалиётга ЛОР касалликларини инвазив ва ноинвазив ташхислаш ҳамда даволаш усуллари тадбиқ этилиши беморнинг ҳаёт сифатини яхшилаш ва умрини узайтириш имконини бермоқда.

#### **1.6. Фанни ўқитишда замонавий ахборот ва педагогик технологиялар**

“Оториноларингология” магистратура йўналиши талабаси (магистри) мутахассислик фанларини ўзлаштиришлари учун ўқитишнинг илғор ва замонавий усулларида фойдаланиш, янги инфорацион - педагогик технологияларни тадбиқ қилиш муҳим аҳамиятга эгадир. Фанни ўзлаштиришда дарслик, ўқув ва услубий қўлланмалар, маъруза матнлари, тарқатма материаллар, компьютер дастурлари, электрон материалларидан фойдаланилади. Шу билан биргаликда интернет тармоғидан фойдаланиш ҳам кўзда тутилади. Амалий машғулотларга мос равишдаги илғор педагогик технологиялар қўлланилади. Масалан: фаннинг умумий ва хусусий бўлимларига тегишли мавзуларида ўтказиладиган ақлий ҳужум, кластер, блиц-сўров, гуруҳ билан ишлаш, тақдимот, кейс стадии ва бошқа педагогик технологияларни қўллаш назарда тутилади.

#### **1.7. Семинар машғулотларни ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар**

- семинар дарсларга тайёрланиш жараёнида адабиётларни баъзи бир қисмини ксерокопия қилиш
- семинар машғулотлари долзарб мавзулари бўйича конференцияда иштирок этиш учун маърузалар тайёрлаш;
- семинар машғулотларни энг долзарб мавзулари бўйича жадваллар, графиклар ва диаграммалар тузиш;
- семинар машғулотларида муаммоли масалаларни ечиш;
- семинар машғулотларида тестлар ечиш;
- семинар машғулотлари учун презентациялар тайёрлаш ва уни тақдим этиш.

#### **1.8. Илмий тадқиқот ишларига бўлган талаблар**

- ЛОР касалликларни консултатив поликлиникада мустақил кўриш;
- Профилли бўлимларда ЛОР касалларни мустақил курация қилиш;
- ЛОРбеморларда даволаш, диагностика ва реабилитацион тадбирларни қўллаш;
- Клиник, патологоанатомик конференцияларда, клиник таҳлилларда иштирок этиш;
- Қўшимча усуллари баҳолаш ва интерпритация қилиш (анализлар, УТТ, ЭКГ, эндоскопия, рентген);

- Тематик касалларни таҳлил қилиш;
- Мутахассис консултантлар кўрувларида ва манипуляцияларида иштирок этиш;
- Амбулатор карталар, касаллик тарихлари, статистик талонлар ва бошқа тиббий ҳужжатларни тўлдириш;
- Ҳар кунлик протоколларни резидентнинг мустақил иштироки қисми билан тўлдириш

### 1.9. Назорат турлари

1. Жорий назорат – семинар машғулоти мавзуси бўйича суҳбат ва тестларни ечиш шаклида ўтказилади (3 та баҳо – билими, фаоллиги, тест натижаси), ротация бўйича ҳар кунлик амалий кўникмаларни бажаришига қараб.
2. Оралик назорат – фан бўйича ҳар бир бобни тугатгандан кейин суҳбат ва тестларни ечиш шаклида ўтказилади (3 та баҳо – билими, фаоллиги, тест натижаси), ротация тугагандан кейин эгалаган амалий кўникмалар кўникмаларни бажаришига қараб.
3. Якуний назорат – ҳар семестр якунида суҳбат ва тестларни ечиш шаклида ўтказилади.
4. Якуний давлат аттестацияси – магистрлик диссертацияси ҳимояси ва тест синовлари шаклида ўтказилади.

### 1.10. Касбий фаолият турлари:

#### **даволаш-профилактик:**

- беморларда ЛОР касалликларини аниқлаш ва (кам инвазияли усулларни қўшиб) даволаш, жумладан тезкор ёрдам кўрсатиш учун зарур бўлган тўла ҳажмдаги кўникмага эга бўлган юқори малакали мутахассис-оториноларинголог сифатида мустақил амалий фаолият кўрсатиш;

- кўпроқ тарқалган ЛОР касалликларини камайтириш учун профилактик тадбирларни амалга ошириш.

#### **илмий-тадқиқот ва экспериментал:**

- ЛОР касалликлар диагностикаси, даволаш ҳамда профилактикасида янги технологияларни ишлаб чиқиш ва изланиш, ўтказилган тадқиқотларнинг натижаларини таҳлил қилиш, умумлаштириш ва жорий қилиш;

- асосий ЛОР касалликларнинг тарқалишини баҳолаш ва таҳдид омилларини аниқлаш учун эпидемиологик текширувларни амалга ошириш, шунингдек уларнинг салмоғини камайтириш учун профилактик тадбирларни ишлаб чиқиш;

- ЛОР касалликларда айрим патологик жараёнларни моделлаштириш ва патогенезини ўрганиш.

#### **педагогик:**

- тиббиёт ОТМ ларида педагогик фаолиятни амалга ошириш.

#### **тиббий-ижтимоий:**

- ЛОР касалликларга чалинган беморларнинг ижтимоий ва касбий реабилитацияси бўйича тадбирларни амалга ошириш, уларнинг ҳаёт тарзини яхшилаш.

#### **ташкилий-услубий:**

- шифокор-мутахассислар билан ЛОР касалликлар диагностикаси ва даволашдаги янги технологиялар бўйича тематик цикллар, методик семинарлар ва консултациялар ўтказиш.

#### **маъмурий-бошқарув:**

Ўзбекистон Республикаси ССВ тизимидаги умумий ёки ихтисослашган ҳар хил ташкилотларга маъмурий раҳбарлик қилиш, илм ва фан Давлат қўмиталарида ишлаш.

## 2. Ўқиш жараёнини ташкил қилиш

### 2.1. Дастур директорининг мажбуриятлари:

- Дастур аккредитацияси билан боғлиқ булган ташкилий ишларни олиб бориш, шунингдек Соғлиқни Сақлаш Вазирлиги хайати учун зарур булган барча ҳужжатларни ўз вақтида тақдим этиш.

- Қабул қилинган стандартларга мавофик ўқув жараени билан боғлиқ булган барча ташкилий ишлар бўйича масаларни ечиш. Ўқув жараенини материал-техник таъминоти ва уқитиш персонали таркибига институтнинг малакали ва тажрибали ходимларини танлаш ва тайинлаш. Бунда шундай шароитларни яратилиши керакки, ходимлар учун педагогик ва тренерлик фаолияти моддий рағбатлантириш ҳамда келгусида юқорирак лавозимларни эгаллаш мумкинлиги каби имкониятларни бериши керак. Бу эса ходимларни танлов асосида қабул қилишга шароит яратади.

- Ўқув жараени билан боғлиқ барча ҳужжат ва ҳисоботларни олиб бориш.

- Магистр талабалар фаолиятини мунтазам назорати (жорий, оралик, якуний ва б.) олиб бориш. Шунингдек резидентларнинг назарий билими, амалий кўникмалари, илмий иши, чет тилларини ўрганиш даражаси ва бошқаларни назорат қилиш.

- Магистр талабаларни индивидуал баҳолаш ва овоза қилиш йули билан резидентлар орасида рақобатни яратилишига етарли аҳамият бериш. Бунда: етакчи ва фаол магистр талабаларни моддий рағбатлантириш, колоқларини эса жарима қилиш, керак булган ҳолларда уқитдан четлатиш чораларини қўллаш каби усулларни

имкон кадар тадбик қилиш.

- Магистр талабаларни нормал ўқиши ва ишлаши учун етарли шароитларни яратиш (шунингдек уларни иш уринлари, форма ва бошқалар билан таъминлаш). Магистр талабаларни ўқиш жараени сифатига таъсир этадиган маиший, шахсий ва бошқа муаммоларни ечишда ердан бериш.

- Аноним анкеталаш йули билан факультет фаолияти ва дастурини баҳолаш ҳамда назорат қилиш

## **2.2. Модератор ва тренерлар мажбуриятлари:**

- Директор раҳбарлиги остида мазкур институт дастурини кундалик бажарилишини назорат қилиш. Келгусида ўқув жараенига жалб қилинган барча ходимлар мутахассис сифатида сертификатланган ва лицензияланган бўлишлари керак.

- Хар бир семинар дарсларни мақсади ва мазмуни аниқланган ва шакллангандан (дастур директори билан биргаликда) сўнг, модераторлар ўқув дарсини режасини тузадилар, зарур бўлган адабиётлар руйхатини аниқлайдилар, слайдлар ва бошқа керакли демонстратив материаллар тайёрлайдилар, семинарлар учун саволларни ва тест назоратини утказиш учун компьютер дастурларини тузадилар. (Бошлангич босқичда эзма шаклда тест назоратини ўтказишга руҳсат этилади). Ўқув жараенида керакли материаллар дастур директори билан маслаҳатлашиб, охириги варианты қабул қилинади. Хар бир мавзуга оид тест саволлари халқаро талабларга мос қилиши керак.

- Хар бир конкрет ротация учун мақсад ва вазифалари аниқлангандан ва шаклланган сунг (дастур директори билан биргаликда) ҳамда амалий куникмалар руйхати тузилгандан сунг, алоҳида ротация тренерлари амалий машгулотлар режасини шундай тузадиларки, резидентнинг манипуляциялар, муолажалар ва операциялар бажарилишида шахсий катнашиш фоизи аста-секин ортиб бориши керак. Кўрсатилган режалар ҳам дастур директори билан тасдиқлариши керак. Хар ой ва ротация сунгида ротация тренерлари магистр талабалар ишларига баҳо берадилар ҳамда якуний тавсифнома тайёрлайдилар.

Умуман олганда ўқув дастурини тадбик қилишда педагог-устозларнинг фаолияти, тренер ва директорлар бошчилигида магистр талабаларнинг даволаш ишларида катнашиш даражасига қараб баҳоланади.

## **2.3. Магистратура талабасининг мажбуриятлари ва ҳуқуқлари:**

### **Мажбуриятлари:**

- Магистратура талабасининг асосий мажбурияти бўлиб, дастурда курсатилган назарий билимлар ва амалий куникмаларни эгаллаш.

- Магистратура талабаси кундалик бажариладиган ишларни акс эттирадиган езувларни олиб бориш (алоҳида ротацияларда эгаллаган амалий куникмалар, навбатчилик ва б.). Бунда ротация тренерлари тасдиқланган ҳолда, резидентларнинг катнашиш фоизи %ларда курсатилиши керак.

- Хар ойда ва алоҳида ротациялар сунгида тренер имзолаган шаклда дастур директорига жорий ва якуний ҳисоботларни тақдим этиш.

- Барча езувлар, режалар, ҳисоботлар, рапортлар, тавсифномалар ҳамда баҳо, қайдлар, дастур директорининг резидентга билдирилган норозилиқлари акс эттирилган бошқа ҳужжатлар хронологик тартибда алоҳида файлларда тупланиб, магистратурада уқиш муддати тугагунча сақланиши керак. Юқорида турувчи органлар томонидан суралганда, уларни тақдим этиш; магистр сертификатлангандан ва лицензиялангандан сунг эса институт архивига топшириш керак.

- Магистратура талабасининг ўқув семинарларида фаол катнашиши шарт, чунки уларнинг назарий билимларидан ташқари даволатига ҳам алоҳида эътибор берилади ва баҳоланади.

- Тасдиқланган режа бўйича резидентлар компьютер тести бўйича жорий ва якуний назоратдан утидилар.

- Магистратура талабалари клиникада ҳафтада бир марта навбатчиликда туришади ва навбатчиликда бажарган ишлари тугрисида эрталабки конференцияда ахборот беришади ва язма баённома ёзишади. Ушбу баённомага кура резидент навбатчиликдаги ишларда катнашиши улуши курстилади ва масъул навбатчи томонидан имзоланади

- Магистратура талабаси хар кунги конференциялардан ташқари илмий-амалий конференциялар, апробациялар, семинарлар ва бошқа илмий-амалий конференцияларда иштирок этиши шарт.

- Магистратура талабалари узларининг чет тили бўйича билимларини ошириб бориши шарт.

### **Ҳуқуқлари:**

- Магистратура талабаси ҳафта мобайнида бир кун дам олиш ҳуқуқига эга

- Магистратура талабаси ўқув йили мобайнида 4 ҳафталик туланидиган таътилга чиқиш ҳуқуқига эга

- Магистратура талабаси 24 соат иш куни давомида ёки навбатчилик давомида дам олиш (уйку) ҳуқуқига эга.

## **2.4. Ўқув базасини таъминланиши.**

«Оториноларингология» ихтисослиги ЛОР касалликлар пропедевтикаси фани бўйича магистратурада ўқитиш ТТА ЛОР касалликлар ва стоматология курси кафедрасида (каф. мудири доц. Хасанов У.С.) амалга оширилади, базалар ТТА 1-3 клиникалари, Республика Онкология Илмий Маркази.

ТТА да қуйидаги ташкилий тузилмалар мавжуд: ўқув блоки (ўқув хоналари, магистрлар учун хоналар, маъруза зали); лабораториялар (клиник, биохимик, иммунологик, микробиологик); тезкор ердан кўрсатишхоналари; оториноларингология бўлими (100 койкали); юз-жағ жаррохлик бўлими (20 койкали); консултатив поликлиникалар.

### 2.5. Оториноларингология мутахассислигидан ЛОР касалликлар пропедевтикаси фани бўйича ўқув юкларининг ҳажми

Семестр	Дарс турига кўра ўқув юкларининг тақсимлаш (соатда)					Малака амалиёти	Мустақ ил иш
	Ҳаммаси	Семинар машғулотлар	Илмий-тадқиқот ишлари, (тематик ротациялар)	Илмий-педагогик иш	Магистрлик диссертациясини тайёрлаш		
I	232	100	50	24	10	-	48
<b>Ҳаммаси</b>	<b>232</b>	<b>100</b>	<b>50*</b>	<b>24</b>	<b>10**</b>	-	<b>48</b>

\*битта илмий-тадқиқот ишларига раҳбарлик (25 соат)

\*\*битта магистрлик диссертациясига раҳбарлик (25 соат)

### 3. Тематик блоклар бўйича семинар машғулотлари тематикаси

№ шп	Мавзулар	Соатлар ҳажми		
		Меҳнат ҳажми	Аудитория иши	Мустақил иш
<b>1. Мутахассислик дисциплинаси</b>				
<b>I Ўқув йили</b>				
<b>I Тематик раздел. Мақсад ва вазифалари, тарихи, замонавий ҳолати, истиқболлари</b>				
1.1.	Замонавий оториноларингологиянинг мақсади ва вазифалари. Тиббиётнинг бошқа мутахассисликлари ва илмий соҳалари билан ўзаро боғлиқлиги (оториноларингологиянинг замонавий бўлимлари: сурдология, вестибулология, фониятрия, ринология. Йўналишлараро боғлиқлик. Отоневрология. ЛОР онкология).	7	5	2
1.2.	ЛОР хизмати тузилиши. ЛОР аъзолари патологияси билан беморларга тиббий ёрдам кўрсатиш тартиби. Поликлиника ЛОР кабинети ишини ташкил қилиш. (Оториноларингологик стационар ишини ташкил қилиш; Оториноларингологиянинг профилактик йўналиши; ЛОР аъзолари касалликларида диспансеризация ва реабилитация принциплари).	7	5	2
<b>Жаъми:</b>		<b>14</b>	<b>10</b>	<b>4</b>
<b>II Тематик раздел. ЛОР аъзолари касалликлари бор беморларни ташхислаш, консерватив ва жаррохлик даволаш асосий принциплари.</b>				
2.1.	Оториноларингологияда қўлланилувчи дори воситалари гуруҳлари. Оториноларингологияда қўлланилувчи препаратлар фармакокинетикаси. ЛОР амалиётида қўлланилувчи дори моддаларини стандартлаш принциплари.	9	6	3
2.2.	Оториноларингологик беморларни даволашда оғриқсизлантириш. Жаррохлик амалиёти ва амалиётдан кейинги даврда ингаляцион, ноингаляцион ва маҳаллий анестетиклар фармакотерапияси.	7	5	2
2.3.	ЛОР амалиётида юкори технологик диагностика усуллари. Замонавий нур, ЯМР, УТТ ташхислаш принциплари. Генетик текшириш. Оториноларингологияда янги лаборатор микробиологик диагностика усуллари қўлланилиши. ЛОР касалликларини ташхислаш ва давосида замонавий оптик ва видеотасвирли эндоскопия. ЛОР аъзолари тўқималарига лазер,	9	6	3



	ультратовуш, радиотўлқинни таъсири			
2.4.	Оториноларингология амалиётида физиотерапия методлари . Оториноларингологияда даволаш мақсадида қўлланилувчи физик таъсирнинг асосий турлари.	27	11	6
<b>Жаъми:</b>		<b>42</b>	<b>28</b>	<b>14</b>
<b>III Тематик раздел ЛОР аъзолари клиник анатомияси (ёшга оид ўзига хослиги); ЛОР аъзолари физиологияси ва текшириш усуллари.</b>				
3.1.	Қулоқнинг анатомо-топографик узига хослиги.Қулоқнинг 3 булими. Касалликлар келиб чиқишида ва ривожланишида анатомо-топографик ва ёш хусусиятларини роли.	9	6	3
3.2.	Эшитиш ва вестибуляр анализаторлари физиологияси. Эшитиш ва вестибуляр анализаторлар адекват қўзғатувчилари.	7	5	2
3.3.	Эшитиш ва вестибуляр функциясини текшириш усуллари. Евстахий найини ўтказувчанлигини текшириш. Рентгенологик текширув, аудиометр ёрдамида эшитишни текшириш. нутқли аудиометрия. эшитишни текширишни махсус усуллари. Вестибуляр аппаратни текшириш усуллари.	9	6	3
3.4.	Бурун ва бурун ёндош бўшлиқларини клиник анатомияси. Бурун анатомияси.	7	5	2
3.5.	Бурун ва бурун ёндош бўшлиқларини клиник физиологияси (бурун хид билиш, нафас, химоя ва нутқ вазифалари)	9	6	3
3.6.	Бурун ва бурун ёндош бўшлиқларини текширув усуллари. Хид билиш ва нафас фаолиятини текширув усуллари.	7	5	2
3.7.	Ҳалқумни клиник анатомияси ва физиологияси. Ҳалқумни текшириш усуллари. Ёш болаларда ҳалқумни текшириш усулларида ўзига хослиги.	9	6	3
3.8.	Қизилўнғач клиник анатомияси ва физиологияси. Қизилўнғач текшириш усуллари.	7	5	2
3.9.	Хиқилдоқ клиник анатомияси. Хиқилдоқ физиологияси. (нафас, химоя, овоз ҳосил қилиш фаолияти) Хонанда овозлари. Хиқилдоқни текшириш усуллари. (бевосита ва билвосита ларингоскопия. Хиқилдоқ анестезия)	9	6	3
3.10.	Кекирдак ва бронхлар клиник анатомияси. Кекирдак ва бронхлар текшириш усуллари. (трахеобронхоскопия, рентгенография)	19	12	7
<b>Жаъми:</b>		<b>92</b>	<b>62</b>	<b>30</b>
<b>Жаъми:</b>		<b>148</b>	<b>100</b>	<b>48</b>

### 3.2. Семинар машғулотларини ўтказиш тартиби

Семинар машғулотлари тасдиқланган режа асосида ўтказилади ва магистралар билимини назорат қилишнинг рейтинг тизими асосида баҳоланади.

Семинар машғулотларига тайёргарлик конспектлар ёзиш, схема, таблица, монографияларни, тезисларни кўриб чиқиш ва тематик беморни касаллик тарихи асосида муҳокама қилиш билан кўрилади.

Кўпроқ долзарб бўлган мавзулардан семинар машғулотларининг айрим саволлари бир ёки бир-неча резидент иштирокида кўргазмали материалларни қўллаш орқали тайёрланади.

### 4. СЕМИНАР МАШҒУЛОТЛАРИ РЕЖАСИ

Семинар №	Семинар машғулотининг мавзуси ва унинг қисқача мазмуни
<b>I СЕМЕСТР</b>	<b>Мақсад ва вазифалари, тарихи, замонавий ҳолати, ю</b>
<b>Семинар 1/1</b>	<b>Замонавий оториноларингологиянинг мақсади ва вазифалари. Давомийлиги-5с</b> Замонавий оториноларингологиянинг мақсади ва вазифалари. Тиббиётнинг бошқа мутахассисликлари ва илмий соҳалари билан ўзаро боғлиқлиги Оториноларингологиянинг замонавий булимлари: а) сурдология, б) вестибулология, в) фониатрия, г) ринология. д) Йўналишлараро боғлиқлик. Отоневрология. ЛОР онкология.
<b>Семинар 2/2</b>	<b>ЛОР хизмати тузилиши. Давомийлиги-5с</b> ЛОР хизмати тузилиши.

	<p>а) ЛОР аъзолари патологияси билан беморларга тиббий ёрдам кўрсатиш тартиби. Поликлиника ЛОР кабинети ишини ташкил қилиш.</p> <p>б) Оториноларингологик стационар ишини ташкил қилиш;</p> <p>в) Оториноларингологиянинг профилактик йуналиши;</p> <p>г) ЛОР аъзолари касалликларида диспансеризация ва реабилитация принциплари.</p>
<b>Семинар 3/1</b>	<p align="center"><b>ЛОР аъзолари касалликлари бор беморларни ташхислаш, консерватив ва жаррохлик даволаш асосий принциплари.</b></p> <p align="center"><b>Оториноларингологияда қўлланилувчи дори воситалари гуруҳлари. Давомийлиги-6с</b></p> <p>Оториноларингологияда қўлланилувчи дори воситалари гуруҳлари. Оториноларингологияда қўлланилувчи препаратлар фармакокинетикаси. ЛОР амалиётида қўлланилувчи дори моддаларини стандартлаш принциплари.</p>
<b>Семинар 4/2</b>	<p align="center"><b>Ўткир йирингли ўрта отит асоратлари Давомийлиги-5с</b></p> <p>Оториноларингологик беморларни даволашда огриксизлантириш.</p> <p>Жаррохлик амалиёти ва амалиётдан кейинги даврда:</p> <p>а) ингаляцион,</p> <p>б) ноингаляцион</p> <p>в) маҳаллий анестетиклар фармакотерапияси</p>
<b>Семинар 5/3</b>	<p align="center"><b>ЛОР амалиётида юкори технологик диагностика усуллари. Давомийлиги-6с</b></p> <p>ЛОР амалиётида юкори технологик диагностика усуллари.</p> <p>а) Замонавий нур, ЯМР, УТТ ташхислаш принциплари.</p> <p>б) Генетик текшириш.</p> <p>в) Оториноларингологияда янги лаборатор микробиологик диагностика усулларини қўлланилиши.</p> <p>г) ЛОР касалликларини ташхислаш ва давосида замонавий оптик ва видеотасвирли эндоскопия.</p> <p>д) ЛОР аъзолари тўқималарига лазер, ультратовуш, радиотўлқинни таъсири</p>
<b>Семинар 6-7/4-5</b>	<p align="center"><b>Оториноларингология амалиётида физиотерапия методлари. Давомийлиги-11с</b></p> <p>Оториноларингология амалиётида физиотерапия методлари .</p> <p>а) Оториноларингологияда даволаш мақсадида қўлланилувчи физик таъсирнинг асосий турлари.</p>
<b>Семинар 8/1</b>	<p align="center"><b>ЛОР аъзолари клиник анатомияси (ёшга оид ўзига хослиги); ЛОР аъзолари физиологияси ва текшириш усуллари.</b></p> <p align="center"><b>Қулоқнинг анатоми-топографик узига хослиги. Давомийлиги-6с</b></p> <p>Қулоқнинг анатоми-топографик узига хослиги.</p> <p>а) Қулоқнинг 3 булими.</p> <p>б) Касалликлар келиб чиқишида ва ривожланишида анатоми-топографик ва ёш хусусиятларини роли.</p>
<b>Семинар 9/2</b>	<p align="center"><b>Эшитиш ва вестибуляр анализаторлари физиологияси. Давомийлиги-5с</b></p> <p>Эшитиш ва вестибуляр анализаторлари физиологияси.</p> <p>Эшитиш ва вестибуляр анализаторлар адекват қўзғатувчилари.</p>
<b>Семинар 10-11/3-4</b>	<p align="center"><b>Эшитиш ва вестибуляр функциясини текшириш усуллари. Давомийлиги-6с</b></p> <p>Эшитиш ва вестибуляр функциясини текшириш усуллари.</p> <p>а) Евстахий найини ўтказувчанлигини текшириш.</p> <p>б) Рентгенологик текширув,</p> <p>в) аудиометр ёрдамида эшитишни текшириш.</p> <p>г) нуткли аудиометрия.</p> <p>д) эшитишни текширишни махсус усуллари.</p> <p>е) Вестибуляр аппаратни текшириш усуллари.</p>
<b>Семинар 12/5</b>	<p align="center"><b>Бурун ва бурун ёндош бўшлиқларини клиник анатомияси. Давомийлиги-5с</b></p> <p>Бурун ва бурун ёндош бўшлиқларини клиник анатомияси.</p> <p>а) Бурун анатомияси.</p>
<b>Семинар 13/6</b>	<p align="center"><b>Қулоқнинг йирингсиз касалликлари. Давомийлиги-6с</b></p> <p>а) Бурун ва бурун ёндош бўшлиқларини клиник физиологияси (бурун хид билиш, нафас, ҳимоя ва нутк вазифалари)</p>
<b>Семинар 14-15/7-8</b>	<p align="center"><b>Бурун ва бурун ёндош бўшлиқларини текширув усуллари. Давомийлиги-5с</b></p> <p>Бурун ва бурун ёндош бўшлиқларини текширув усуллари.</p> <p>а) Ҳид билиш текширув усуллари</p> <p>б) нафас фаолиятини текширув усуллари</p>
<b>Семинар 16/9</b>	<p align="center"><b>Ҳалқумни клиник анатомияси ва физиологияси. Давомийлиги-6с</b></p> <p>Ҳалқумни клиник анатомияси ва физиологияси.</p> <p>а) Ҳалқумни текшириш усуллари.</p> <p>б) Ёш болаларда ҳалқумни текшириш усулларининг ўзига хослиги.</p>

<b>Семинар 17-18/10-11</b>	<b>Қизилўнғач клиник анатомияси ва физиологияси. Давомийлиги-5с</b> Қизилўнғач клиник анатомияси ва физиологияси. Қизилўнғач текшириш усуллари.
<b>Семинар 19/12</b>	<b>Ҳикилдоқ клиник анатомияси ва физиологияси. Давомийлиги-6с</b> Ҳикилдоқ клиник анатомияси. Ҳикилдоқ физиологияси. а) нафас, б) химоя, в) овоз ҳосил қилиш фаолияти г) Хонанда овозлари. д) Ҳикилдоқни текшириш усуллари. ( е) бевосита ва билвосита ларингоскопия. ж) Ҳикилдоқ анестезия
<b>Семинар 20-21/13-14</b>	<b>Кекирдак ва бронхлар клиник анатомияси. Давомийлиги-12с</b> Кекирдак ва бронхлар клиник анатомияси. а) Кекирдак ва бронхлар текшириш усуллари. б) трахеобронхоскопия, в) рентгенография

## 5. Магистрлик илмий тадқиқот иши

Амалий ўқитиш (магистрлик амалиёти) модератор ва тренер раҳбарлиги остида ЛОР бўлимларда, шунингдек, реанимация ва шошилинч ёрдам бўлимларида, стационарларнинг ёрдамчи диагностик булимлари (кабинетлари)да, консультив поликлиникаларда зарурий даволаш ва диагностик манипуляциялар, муолажаларни ва ЛОР аъзоларида жарроҳлик аралашувларини бажариш, тиббий ҳужжатларни тўлдириш билан биргаликда олиб борилади. Амалий кўникмаларнинг бир қисми навбатчилик вақтида эгалланади.

### ЛОР касалликлар пропедевтикаси фани бўйича

#### ТЕМАТИК РОТАЦИЯЛАР

**1. Тематик ротация: Поликлиника (ротация бўйича ўқитишда таништирувчи бошланғич босқич ҳисобланади). Беморларни клиник, функционал ва қўшимча текшириш усуллари билан қўриқдан ўтказиш**

**Ротациянинг мақсади:** Мустақил равишда беморларни оилавий ёки оториноларингологик поликлиника шароитида қабул қилиш ва ишлаб чиқилган алгоритм бўйича ташхис қўйиш, кулоқ ва юқори нафас олиш йўли ҳолатини баҳолаш усуллари эгаллаш.

**Талаба (магистр) куйидагиларни бажара олиши зарур:**

- анамнез йиғишни, ЛОР аъзоларини текширишни, ЛОР аъзоларида палпация ўтказа олишни;
- физикал текширувни амалга оширишни (умумий текширувдан ўтказиш, ЛОР аъзолари пальпацияси, перкуссияси, бурун-томоқни бармоқли текшириш);
- морфологик ва микробиологик текширувлар учун тўқима еки суртма олишни;
- турли хил гарангликда эшитув аппаратларини тайёрлашга бўлган кўрсатмаларни аниқлашни;
- оториноларингологик касалликларнинг таққосий ташхисини ўтказишни;
- функционал синамаларни қўллаш ва анализ қилишни;
- таҳминий ташхис қўйиш ва кейинги текширув режасини тайинлашни; тиббий ҳужжатлаштиришни олиб боришни.

**2. Тематик ротация: Сурдология**

**Ротациянинг мақсади:** Кулоқнинг текшириш принципларини ва усуллари ўрганиш. Тренер ердамида яққуний ташхисни куя олиши ва даволаш тактикасини тузиши.

**Талаба (магистр) куйидагиларни бажара олиши зарур:**

- эшитишни мулоқат ердамида текшириш (шивирлаш нутқи ва сузлаш нутқи);
- эшитишни камертонлар ердамида текшириш
